

**Сопли -2022-202-12-176-МТ
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)**

2022 й. «30» 6

Кейинги уринларда «Буюргачи» деб юритиладиган «Хива туман МТБ» номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари Х.Собирова бир томондан, кейинги Уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хива Фаррухбек Курилиш» ИТКК номидан НИЗОМ асосида иш юритувчи раҳбари Ф.Режабов иккинчи томондан «3-сон ДМТТ биносини» жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;
 - ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлигги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;
 - курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюргачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;
 - вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;
 - беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
 - шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАЗЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик «Сметада» кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюргачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда 272 500 000 (Икки юз етмиш икки миллион беш юз минг) сўмни ҚҚС билан ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар киймати Буюргачи томонидан узгартирилганда;
- обьектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюргачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюргачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачини субпурдатчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпурдатчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактингчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим киласди.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пурдатчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиши мажбуриятини олади.

9. Пурдатчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим киласди.

10. Пурдатчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпурдатчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

V. БЮОРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пурдатчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пурдатчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пурдатчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пурдатчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пурдатчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;
- Пурдатчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пурдатчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14. Пурдатчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022 ийл «31 » ЦИМ ойида фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу 81 750 000 (Саксон бир миллион етти юз эллик минг) сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пурдатчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пурдатчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга

хак тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги қунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкӣл этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан бөглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиг булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига бодлик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига бодлик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг күшма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларига ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конунида, Узбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларига хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.

42. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

43. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлади.

44. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчига(буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) кабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга хакли.

45. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун сотиб оловчига(буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлади.

46. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

Томонларнинг коррупсияга қарши қурашиш бўйича мажбуриятлари

48. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кабул килинишини кафолатлайди.

49.. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишида (електрон почта орқали) ёки ишонч телефоны орқали бир-бирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш максадида ёзма изоҳ талаб килиш хукукига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

50. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор қилиш хукукига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

51. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

52.. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ургасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

53. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

54. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи ургасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишида тасдиклаши керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

57. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чикилади.

58. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.

59. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал килади.


60. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булиб З нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.


ПУДРАТЧИ: БЮОРТМАЧИ:

"Хива Фаррухбек Курлиш" ИТКК
Манзили: Хива тумани

Тел/факс : 91-432-29-29
x/в : 2020 8000 9048 0913 9001
Банк номи : Микрокредит банк Хива фил
МФО : 00578 СТИР : 301 369 464
ОКОНХ : 61133

Рахбар  Ф.Режабов _____
(Ф.И.Ш)

Хукукшунос:



(Имзо)

Хива туман МТБ

Манзил: Шомахулум кишлоги

Тел/факс 375-20-34
100022860332267091100251010
бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 305153534
ОКОНХ _____

Газначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги
Газна x/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент

МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР и 201122919

Рахбар Х.Собирова
(лавозим) (Ф.И.Ш)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: SHartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Bir taraf “Xiva Farruxbek Qurilish” MCHJ va ikkinchi taraf Xiva tuman maktabgacha ta’lim bo’limi o’rtasida pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shartnoma loyihasi Xiva tuman maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 29-iyun kuni dasturga kiritilgan. (LN65103031)

Xulosa

Shartnoma loyixasi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda amaldagi qonun hujjatlar talablariga javob beradi.

**Xiva tuman yuridik xizmat ko’rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



A.Abdusheripov

30.06.2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 109557 на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий Хива туман З-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 27.06.2022

Время рассмотрения 27.06.2022 19:52

Конкурсная комиссия Хива туман мактабгача таълим булимининг марказлашган бухгалтерияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SAIDOV UMARBEK ISMOILOVICH	Хизмат бошлиги	МТБ
Секретарь комиссии	SHEROVA MUXAYYO ATABEKOVNA	иктисодчи	МТБ
Член комиссии	MATYOQUBOVA FARIDA RAXIMBERGANOVNA	инспектор	МТБ
Член комиссии	KURBANOV MURODBEK BATIROVICH	бош хисобчи	МТБ
Член комиссии	MATYAKUBOV SHUHRAT MATKARIMOVICH	хисобчи	МТБ
Член комиссии	SALAYEV ANVARBEK ATANAZAROVICH	мухандис	МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.06.2022 года № лота 109557.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Хива туман З-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	275 470 787.00
Стартовая сумма	275 470 787.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кархона тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: кархона устави, гувохномаси, ҚҚС гувохномаси(фаол бўлиши керак),инсофсиз ижрочилар ресстрда бўлмаслиги,устав фонди 100% шакиллантирилганлиги тўғрисида маълумотнома.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧК	20	Файл илова килинди	12	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	20	20	12	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	20	мълумотнома мавжуд	16	Экспертная		
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	20	Кархона тўғрисида умумий маълумот тақдим килинди	14.4	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	20	Маълумотнома илова килинди	16	Экспертная		

Критерий №2 Pudratchining balansi va moliyaviy natijaları

Тип: Текстовое значение

Описание: Pudratchining 2019, 2020, 2021 yillardagi so'nggi 3 yillik balansi va moliyaviy natijalari (STI tomonidan tasdiqlanishi kerak) Pudratchining balansida texnikalarning mavjudligi to'grisida ma'lumotlar

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	20	Файл илова килинди	15.2	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	20	20	12	Экспертная		
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	20	мълумотнома мавжуд	14.4	Экспертная		
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	20	Баланс ва молиявий натижалар тақдим килинди	13	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	20	Маълумотнома илова килинди	16	Экспертная		

Критерий №3 Ишчи ва ходимлари мутахасислиги ва иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Doimiy asosda kamida 30 nafar malakali ishchilarning mavjudligi. Muhandislik va texnik xodimlarning mavjudligi. Oliy qurilish ta'limi. Mutaxassislar Texnik va yong'in xavfsizligi va sisfat nazorati bo'yicha xodimlar soni va muhandislar, quruvchilar va pudratchilar soni majburiy rahbarlardan 1 kishining mavjudligi mehnat.uz saytidan yuklab olingan mehnat daftarchasi nusxasini taqdim etishi shart. QR-kod va diplom nusxasi, shuningdek, qurilish ishlari (eng kam muddati inobatga olingan xolda) yakunlanishiga kafolat xati.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	20	Файл илова килинди	14.4	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	20	20	14.4	Экспертная		
ХИВА	20	маълумотнома	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К		мавжуд				
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	20	Ишчи ва ходимлари мутахасислиги ва иш тажрибаси түгрисида маълумот тақдим килинди	16	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	20	Маълумотнома илова килинди	12	Экспертная		

Критерий №4 ДСИ ва Банқдан малумотномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги түгрисида малумот ва банқдан картатека-2 да карздорлии йуклиги түгрисида малумотнома .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	10	Файл илова килинди	8	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	10	10	8	Экспертная		
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	10	маълумотнома мавжуд	9	Экспертная		
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	10	ДСИ ва Банқдан малумотномалар тақдим килинди	8	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	10	Маълумотнома илова килинди	8	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича олий маълумотга егалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот раҳбарининг бўйруги, қурилиш соҳасидага иш стажи , маълумоти , мутахасислиги караб 1 дан б гача бал ҳисобланади. Раҳбар олий маълумотли , мутахасислиги қурулиш соҳасига доир маълумотга эга бўлиши, стажи камида 3-йил бўлиши тавсия қилинади

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	20	Файл илова килинди	4	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	20	20	4	Экспертная		
ХИВА	20	маълумотнома	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К		мавжуд				
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	20	Ташкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича маълумот тақдим килинди	1	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	20	Маълумотнома илова килинди	1	Экспертная		

Критерий №6 Pudratchining ish haqi fondi to'grisida ma`lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: Pudratchining ish haqi fondi oxirgi 3 yil uchun statistik hisobot bilan tasdiqlanishi kerak. Tanlov e'lon qilinganidan keyin uzoq muddatli kreditlar yo'qligi to'g'risida bankdan ma'lumotnomaga.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	10	Файл илова килинди	4	Экспертная		
NAZAR GRANT ЧП	10	10	8	Экспертная		
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	10	маълумотнома мавжуд	9	Экспертная		
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	10	Иш хаки фонди тугрисида маълумот тақдим килинди	8	Экспертная		
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	10	Маълумотнома илова килинди	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	275 470 787.00	272 500 000.00	27.06.2022 10:38:41	19.96
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	275 470 787.00	272 000 000.00	27.06.2022 15:08:07	20.00
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	275 470 787.00	261 697 247.00	26.06.2022 13:27:54	
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	275 470 787.00	275 300 000.00	27.06.2022 15:23:45	19.76
NAZAR GRANT ЧП	275 470 787.00	269 000 000.00	27.06.2022 10:10:09	

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	57.12	19.9633	77.0833
ORNAMENT PLYUS М.Ч.Ж.	48.32	20	68.32
КИЕТ КУРИЛИШ СЕРВИС И.Т.К.МЧЖ	46.08		46.08
XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж.	48.8	19.76026	68.56026
NAZAR GRANT ЧП	46.72		46.72

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 109557 от 27.06.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий Хива туман З-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К
301369464

и резервный исполнитель: XIVA ISKANDAR М.Ч.Ж. (301007850)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	KURBANOV MURODBEK BATIROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	SAIDOV UMARBEK ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	MATYAKUBOV SHUHRAT MATKARIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	MATYOQUBOVA FARIDA RAXIMBERGANOVNA	Согласен	
Член комиссии	SALAYEV ANVARBEK ATANAZAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП